

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va hech qachon bo‘lmagay». **Imom Buxoriy**



IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 3
2020

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI
IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI

IMOM
BUXORIY
XALQARO ILMIY
TADQIQOT MARKAZI
NASHRI

Ushbu sonda:

OILA HUQUQI
MAVZUSIDA
YANGI TADQIQOT

3

ALUDDIN
USMANDIYNING
BILIM HAQIDAGI
QARASHLARI

4

MAHMUD
ZAMAXSHARIYNING
“KO‘ZI OJIZGA
TASALLI” RISOLASI:
YANGI TOPILMA

8

NARSHAXIY –
BUXORO TARIXIGA
OID MA'LUMOTLAR

22

ALUDDIN ATTOR
SHAXSIYATI

44

MOTURIDIY VA
ISLOMIY E'TIQOD

62

2 BIZ
2000 – 2020
YOSH DAMIZ!

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Оила ҳуқуқи мавзусида янги тадқиқот.....	3
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг билим ҳақидаги қарашлари.....	4

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Маҳмуд Замахшарийнинг “Кўзи ожизга тасалли” рисоласи: янги топилма.....	8
Усмонхон МУҲАММАДИЕВ, Ҳошимхон АМАНОВ. Маҳмуд Бухорий ва унинг “Ҳақоикул манзума” асари.....	9
Равшан ЭЛМУРОДОВ. Имом Мотуридий илмий фаолиятининг ислом илм-фанида тутган ўрни.....	10
Шарофиддин ЛАТИПОВ. “Муваддо”нинг ҳанафий мазҳабида тутган ўрни.....	12
Саиджамол МАСАЙИТОВ. Мовароуннаҳр уламоларининг мерос илмига қўйган ҳиссаси.....	14
Zarifjon PO‘LATOV. Ibrat asarlarda turizm va investitsiyaga oid qarashlar	16
Миродилло БОБОЕВ. Абу Юсуф илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни.....	18

НОДИР МАНБАЛАР

Мирзақул НОРҚОБИЛОВ. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид” асарининг ёзилиш тарихи ва ижтимоий зарурати.....	19
--	----

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Бахтиёр ЭРГАШЕВ. Наршахий – Бухоро тарихига оид маълумотлар.....	22
Sobirjon ISOQOV. Jorj Tomson hamda Reynold Hogning Buxoro va Xivaga “tjorat safari”	24
Феруз БОБОЕВ. Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши курашнинг сўнгги босқичи (1925-1935 йиллар).....	26
Наврўзбек РАХИМОВ. Совет даври тадқиқотларида Хоразм Халқ Совет Республикаси.....	29
Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ. Бухоро лўлиларининг урф-одат ва маросимлари.....	31
Руслан АНЁЗОВ. Ўрта асрларда қарвон йўллари хизмат кўрсатиши тизими фаолиятида почта хизмати (Марказий Осиё мисолида).....	33
Фаррух АКЧАЕВ. Жиззах воҳасида ақиқа билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....	35
Шокир ҒАФФОРОВ, Ш.Р. РАВШАНОВ. Россия империяси даврида Туркистоннинг миллий мактаб ва мадрасалари (Фарғона водийси мисолида).....	36
Санобар ДЖУРАЕВА. Қашқадарё вилояти Китоб тумани зиёратгоҳлари.....	39
Собир ИСМОИЛОВ. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг пирлари.....	42
Лобар АСРОРОВА. Алоуддин Аттор шахсияти.....	44
Лола МУҲАМЕДЖАНОВА. Бухородаги 1917 йил 7 апрель воқеалари ва унинг тарихий фожияси.....	46
Миржалолхон АСАТҲУЛЛАЕВ. Вклад Узбекского народа в победу над фашизмом в годы второй мировой войны.....	49
Шербек РАВШАНОВ. Россия империясининг аҳолини кўчириши тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири.....	51
Хусниддин ЖЎРАЕВ. “Туркистон тўплами” ва рус даврий матбуоти Туркистонга кўчирилган аҳолининг машғулоти ҳамда хўжалик фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	55
Одилжон ИНОМОВ. Қовунчи маданияти аҳолиси антропологик типининг шаклланиши.....	57
Саидакбар МУҲАММАДАМИНОВ. Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти.....	60

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Шохрух АБДУРАСИЛОВ. Мотуридий ва исломий эътиқод.....	62
Шукруллоҳ ҚУРБОНОВ. Инсоният тараққиётида Ислам цивилизациясининг ўрни.....	64
Абдувоҳид ЎРОЗОВ. «Насх» оятлари ҳақида.....	66
Қурбон НУРБОЕВ. Самарқанд шаҳри эронийлари: дини, динга боғлиқ урф-одатларидан айрим жиҳатлар.....	68
Сойибназар КАРИМОВ. Ислам цивилизациясининг маънавий-руҳий асоси.....	69

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Фаррух ҚИЛИЧЕВ. Шахс экологик маданиятини юксалтиришида ислом дини ғояларининг аҳамияти.....	72
Жамиид ТОШБОЕВ. Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихида трансформацион жараёнларнинг намоён бўлиши.....	74
Асрор ТУРСУНОВ. Восстановление духовно-культурного наследия узбекского народа в годы независимости (1991-2015 гг.).....	76
Беҳзоджон МАЛИКОВ. АҚШ ва Францияда давлат хизматини ташиқил этишининг ўзига хос хусусиятлари.....	79

<i>Ҳамид САДИҚОВ. Ер ресурсларини бошқариш жараёнларининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари.....</i>	<i>81</i>
<i>Тунис ХОЖИЕВ. Мустақиллик йиллари модернизацияси илк босқичларининг ўзига хос хусусиятлари.....</i>	<i>84</i>
<i>Савлатбек КИСТАУБАЕВ. Зардуштийлик ҳамда Ислом динида табиат ва инсон муносабатларининг ифодаланиши.....</i>	<i>87</i>
<i>Акбар АБДУРАХМОНОВ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришида миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлашувининг айрим жиҳатлари.....</i>	<i>89</i>
<i>Гулбахор ИСАНОВА. Сайловлар жараёнида сиёсий партиялар фаолияти ва унинг аҳамияти.....</i>	<i>91</i>
<i>Юнусжон ИСОМИДДИНОВ. Давлат ва жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцион ҳолатларни олдини олишидаги иштироки масалалари.....</i>	<i>93</i>
<i>Шахзода НЕГМАТОВА, Шахло ИСХАКОВА. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожланиш истиқболлари.....</i>	<i>96</i>
<i>Нодирбек ҚОРАБОЕВ. Инновация ва уни ривожланиш босқичлари.....</i>	<i>98</i>
<i>Диловар НЕГМАТОВА. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги миллатлараро сиёсатининг асосий принциплари.....</i>	<i>100</i>
<i>Очил БЎРИЕВ. Ўзбек оилавий маросимларини ихчам ўтказиш жадидчилиқ арбоблари тавсифида.....</i>	<i>102</i>
<i>Ойбек СИРОЖОВ. “Минтақавий интеграция” тушунчасининг мазмун-моҳияти.....</i>	<i>104</i>
<i>Пўлат ҚАҲҲОРОВ, Жавлон ҚУЧҚОРОВ. Демократик жамиятини барпо этишида миллий менталитетнинг ўрни.....</i>	<i>106</i>
<i>Дилором ЮЛДАШЕВА. Тиббиёт туризмининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.....</i>	<i>108</i>
<i>Илҳом САИДОВ, Равшан МАРДОНОВ. Источники ислама о роли женщины в семейно-брачных отношениях.....</i>	<i>110</i>

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

<i>Гулноза СУЛТАНОВА. Креативлик ва инновация: умумийлик ва фарқ.....</i>	<i>113</i>
<i>Шерахон ХАШИМОВ. Ўзбекистонда экологик туризм кластерларини ривожлантириш истиқболлари.....</i>	<i>114</i>
<i>Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА. Алишер Навоий асарларида комил инсонни тарбиялашнинг эстетик масалалари.....</i>	<i>117</i>
<i>Аслам УСМОНОВ, Хурийд САЙФУЛЛАЕВ. Субъект ва унинг ифодаланишига доир айрим мулоҳазалар (Тоҳир Малик асарлари мисолида).....</i>	<i>119</i>
<i>Нигина ШАМСУТДИНОВА. Ибн Сино фалсафий меросининг хориж илмий мактаблари томонидан тадқиқ этилиши.....</i>	<i>121</i>
<i>Мадина АХРОРОВА. Анбар Отиннинг “Қоралар фалсафаси” асарида ижтимоий-фалсафий қарашлар.....</i>	<i>123</i>
<i>Дилмурод БОЗАРОВ. Синергетик парадигманинг фалсафий-методологик таҳлили.....</i>	<i>124</i>
<i>Иноятхон АРЗИМАТОВА, Ж. МУМИНОВ. Процесс информатизации и воспитания гармонично развитого поколения.....</i>	<i>126</i>
<i>Абдумутал ҚАМБАРОВ. Диний қадриятларнинг структуравий трансформацияси ва анъанавий етук шахсни шакллантиришининг негизлари.....</i>	<i>128</i>
<i>Мансур МАМАДАЛИЕВ. Жамиятда миллий анъаналар ривожланишининг диний-мифологик ва ахлоқий-эстетик хусусиятлари.....</i>	<i>131</i>
<i>Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Тасаввуф таълимоти ва унинг онтологик жиҳатлари.....</i>	<i>133</i>
<i>Хурийд ТОШОВ. Герметизм генезесини тадқиқ этишининг назарий методологик асослари.....</i>	<i>135</i>
<i>Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг комил инсон таълимотида мураккабликдаги оддийлик тамойили (“Маҳбуб ул-қуллуб” асари мисолида).....</i>	<i>137</i>
<i>Саида ЮЛДАШЕВА. Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари.....</i>	<i>139</i>

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

<i>Шухрат ТУРАТОВ. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришида диний қадриятларнинг тутган ўрни.....</i>	<i>141</i>
<i>Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА. Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришининг ўзига хос жиҳатлари.....</i>	<i>143</i>
<i>Ro‘zi KOMILOV. O‘zbek xalqi nikoh munosabatlarining diniy-estetik mohiyati va yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati.....</i>	<i>145</i>
<i>Элёр УЛУҒМУРОДОВ. Глобаллашув даврида ёшлар эстетик тафаккурида диний бағрикенглик тамойиллари.....</i>	<i>146</i>
<i>Бобомурод РУСТАМОВ. Ўзбекистонда олий диний таълим муассасаларида кредит тизимини жорий этиш қулайликлари хусусида.....</i>	<i>148</i>

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

<i>Яхшидан боғ қолар.....</i>	<i>150</i>
-------------------------------	------------

ёзма ижодида ва фольклорида давомийлиги акс этади;

2) ахлоқий императивлар аънанаси. Халқ ижодида шундай ахлоқий императивлар яратилганки, улар исталган фазо ва вақт учун мослаштириш мумкин. Ўзбек миллий адабиётида шу аъна-на давом этиб, у халқ достончилиги, латифалари, афсона, мақол ва нақллари, қўшиқчилик жанрларида ривожланиб бормоқда. Аънавий халқ педагогикасида шахс тарбияси, комил инсон ғояси устувор аҳамиятга эга бўлиб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойитилган шахсни яратиш, келажак авлод учун миллий тарбия моделини ахлоқий императивлар орқали шакллантириш асо-сий мақсад бўлган. Масалан, ҳалоллик;

3) бадиий-эстетик шаклдаги аъналар. Реал воқеликни бадиий ғоялар билан безаш, бадиий композициялардан унум-ли фойдаланиш қадимги манбаларимиздан то бугунги бади-ий-эстетик қадриятларимизгача ўз аксини топганлиги маъ-лум. Йигитлар мардлигини улуғорлик, кучлиликни фантастик кўринишдаги образларни яратилиши, ҳайкал кўринишда эмас балки, сўзда бадиий образларни эстетик руҳдаги ҳайкали де-сак муболага бўлмайди. Ўзбек халқи фольклори, афсона ва до-стонларида ғойибдан бир йигит келиб ёки бир подшони учинчи ўғли келиб мазлумларни, тутқун-асирларни қутқариб, мурод-мақсадига етганликлари ҳақида сўз боради. Бу аъна эзгулик-ни ёвузлик устидан доим ғойиб келишини, инсоният орзу нияти эзгу эканини эслатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. –Т.: 2007.
2. Абдуллаев Р. Ижтимоий фикр ва онг тараққиётида аъна ва маросимларнинг ўрни. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журнали №3, 2017.
3. Замилова Р.Р. Қаҳрамонлар ва қаҳрамонлик: шахснинг шаклланишига перманент таъсири. Дисс.автореф. Ph.D. 2017.
4. Нурманов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Фил.фан. дисс. Автореф. –Т.: 2007.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ОНТОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Қосимбек РАЗЗОҚОВ
ЖизПИ “Ўзбекистон тарихи ва
Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

Мақолада тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти, оламнинг яратилиши билан боғлиқ масалалар, тасаввуф таълимотида борлиқ тушуниши ва унинг шакллари ҳақида файласуф олимларнинг қарашлари ҳамда фикр ва ғоялари тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: тасаввуф, тариқат, мустасуф, мутасуф, мутасаввуф, нафс, руҳий борлиқ, инсон борлиғи, моддий борлиқ, софлик, покизалик, шаффофлик.

The article includes ideas of philosophical scientists about the doctrine of Sufism, its essence, the creation of the universe, the concept of existence in forms of Sufism and its shapes.

В статье рассматривается мистико-суфийское учение, его сущность, вопросы, связанные с происхождением вселенной, понятие бытия и взгляды учёных о его формах.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди.

Агар “сўф” сўзидан сўфий ясалган бўлса, ўз навбатида, “сўфий”дан, “тасаввуф”, “мустасуф”, “мутасуф”, “мутасаввуф” сўзлари ҳосил бўлган.

Мустасуф – ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилишдан иборат кишиларга ишлатилган сўз.

Мутасуф – тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфий даражасига кўтарила олмаган кишилардир.

Мутасаввуф эса қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод – маслак қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган кишиларга айтилади [1: 7-8].

Нишопур яқинидаги Майхона қишлоғида дунёга келган Абусаид Абулхайр тасаввуфда ўзига хос Хуросон мактабини асослаган шайхдир. У кўпдан кўп муридлар олдида оташин ваъзлар айтган, илоҳга бўлган муҳаббатни инсонга бўлган муҳаббат билан боғлаб тушунтирар, саховат, жавонмардликни сўфийнинг асл фазилати деб ҳисобларди. Чунончи, унинг сўзларидан: “Кўлингда нима бўлса бер, бошингда неки бўлса ташла, бошга нима келса чида”. У “ғариб қашшоқларга хизмат қилиш”, бунинг учун ҳар қандай меҳнат тури бўлса ҳам бажариш (ҳаммомда гулоҳийлик қилиш, кўча супириш каби)ни талаб қилар, дарвеш меҳнатдан ор қилмаслиги керак деб ўқтирарди.

Тасаввуф таълимоти ҳақида фикр юритганда унинг онтологик жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Оламнинг яратилиши билан боғлиқ масалалар тасаввуф фалсафасининг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. “Модомики, гап оламлар ҳақида борар экан, тасаввуфнинг кайҳоний тушунчалари, яъни олам тузилиши ҳақидаги тасаввуфларини қисқача шарҳлашга тўғри келади. Тасаввуф таълимоти биноан, Аллоҳ таоло (уни Жавҳари зот, Мутлақ рух, Ақли қулл ҳам дейдилар) аввал Муҳаммад алайҳис саломнинг нурини яратди. Шундай қилиб, олам асосида Муҳаммад нури ёки Муҳаммад ҳақиқати ётади. Агар Ҳақ деганда – Унинг илмини ва Ҳабибуллоҳ нурини англаймиз. (Ҳақиқат

Аллоҳнинг ўзи бўлгач, у яратган жами нарса мажоз, образдир). Оламлар бошида Муҳаммад нури мавжуд бўлганлиги сабабли биринчи инсон ҳазрати Одам Сафиуллоҳни Муҳаммаднинг ўғли, бошқача айтганда, Муҳаммад алайҳиссаломни Одам Атога нисбатан ҳам ота, ҳам ўғил дейиш мумкин”.

Муҳаммад алайҳиссалом нуридан сўнг лоҳид олами вужудга келган. Лоҳид олами илоҳиёт олами демек, ундан кейин жабарут, яъни буюклик олами ва унинг кетидан малакум олами-фаришталар олами яратилди. Лоҳид Ҳақ зотини ифодаласа, жабарут нурлардан иборат оламдир, малакут эса латиф нурлардан тузилган олам. Аммо айтиб ўтилган оламларда шакл-аъраз йўқ. Бу хусусият жисмлар олами бўлиши мулк оламига хос. Мулк оламини шаҳодат олами ёки олами носут ҳам дейдилар. Булардан ташқари, айрим наздиётчилар бадан олами, яъни инсон оламини ҳам алоҳида олам сифатида қайд этганлар. Чунки инсон олами сағир (кичик олам) сифатида олами кабир (катта олам) деб номланадиган юқори оламларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Мазкур қараш инсоннинг икки асосдан иборатлигини яна бир қарра тасдиқлайди [2: 42-43].

Катта ва кичик оламнинг яратилиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида шайх Азизиддин Насафийнинг фалсафий қарашлари юқорида баён қилинган фикрларни янада тўлдиради. У ҳикмат аҳлининг улуғ олам ва унинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида қарашларини қуйидагича изоҳлайди: “Энди шуни ҳам билгинки, ҳикмат аҳли фикрига кўра, Тангри таоло Холиқи Қудсийдан биринчи пайдо бўлган нарса жавҳар эди, жавҳар (Субстанция) – ақли аввалдир. Ақл – содда жавҳар. Жавҳар яхлит бўлиб, бўлақларга бўлинмайди, унинг аъзо қисмлари йўқ. Ҳикмат аҳли дейдиларки: бир сонидан бир пайдо бўлади. Демак, ҳақиқий ваҳдат бўлган Тангри таоло Халлоқи Қудсийдан ҳақиқий бирлик пайдо бўлган. Мана шунинг ўзи ақли аввалда ақлнинг моҳияти – натижаси сифатида миқдорий ва сифатий касрат-кўпликлар ҳосил бўлган. Бу ҳам ақл сабабининг натижаси, ҳам сабаб ва натижа (маълум) орасидаги воситачидир. Оқибатда ақли аввалда уч эътибор (сифат) пайдо бўлади ва ақли аввалдаги ҳар бир эътиборда жон, ақл ва осмон юзага келади. Ақли аввалдан сўнг тўққиз ақл, тўққиз жон ва тўққиз осмон пайдо бўлди. Шундай кейин ой осмони остида олов унсури ва олов табиати, ҳаво унсури ва ҳаво табиати, сув унсури ва сув табиати, тупроқ унсури ва тупроқ табиати пайдо бўлди. Улар оталар ва оналар каби. Бу ота-оналардан уч фарзанд яратилди, яъни маъдан, ўсимликлар ва ҳайвонлар. Ниҳоят, энг сўнггида одам яратилди, у комилликка эришди ва ақли аввалдан ақли мавҳумга эга бўлди. Нимаики охирда пайдо бўлди, бошланишда ҳам бор эди. Оқибатда ўзининг бошланғич (нуқтасини) топган доира ниҳоясига етди. Демак, ақл бошланиш (мабдаъ) ҳам, охир (маод) ҳамдир, зеро ақл келишига қараб мабдаъ, қайтишга нисбатан олинганда эса – охирдир. Охир аввал бўлган, қайтиб келинадиган жой. Бошланиш Лайлатул-қадр кечасига мувофиқ, қайтиш қиёмат кунига тўғри келади [2: 14-15].

Юқоридаги таъриф ва изоҳлардан маълум бўладики, Аллоҳ ўзини танитиш мақсадида дастлаб Муҳаммад нурини ва ўз навбатида шу нур қолдиқларидан турли оламларга мансуб бўлган махлуқотларни яратди. Вужуди тупроқдан яратилган инсоннинг руҳи асли покиза эканлиги, шунинг учун бу оламда у тинимсиз ибодат, риёзат чекиш орқали поклана бориши ва асл маконига пок ҳолда қайтиши лозимлиги тасаввуф адабиётида қайта-қайта ўқтирилади.

Борлиқ инсон ва инсонлар ҳаёти билан боғлиқдир. Шунинг учун тасаввуф таълимотида борлиқ масаласига алоҳида эътибор берган. Бу таълимотда борлиқ мавжудлик ва йўқлик, фоний ва боқий, касиф ва латиflik нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Тасаввуф таълимотида борлиқ тушунчасининг марказида инсон, унинг ҳаёт мазмуни ва камолоти туради. Шунинг учун борлиққа яхлит тушунча сифатида қаралади ва “руҳий олам”, “бу дунё” ва “охират” тушунчалари билан талқин этилади. Тасаввуф таълимоти борлиқни илоҳий моҳиятга эга бўлган, бир бутун, доимий ва абадий деб қарайди. Бутун борлиқ Худонинг иродаси билан яралганлиги ва унинг жалолу жамолини тажаллий этади. “Бу дунё” жуда қисқа муддатли, яъни вақт билан чекланган, маконда чегараланган бўлса ҳам инсон яшайдиган ва унинг камолоти учун зарур оламдир.

Дарҳақиқат, олам тўрттадир: олами мулк, олами малакут, олами жабарут, олами лохут. Шунингдек, руҳлар ҳам тўрт гуруҳдадир: 1) руҳи жисмоний, 2) руҳи нуруний, 3) руҳи султаний, 4) руҳи қудсий. Лоҳут оламида руҳлар вужудга келиб, Мулк оламига тушади ва инсон танасига кириб одам зотини ҳосил этади. Инсонларнинг Мулк олами – “бу дунё”даги ҳаёти ва ўлими уларда доимийлик, абадийлик, боқийлик ва ўткинчилик, фонийлик ҳақидаги тушунчани юзага келтиради. Бу таълимотга асосан борлиқ доимий, абадийдир. Лекин, шу абадий дунёда мавжуд бўлган нарсалар ўткинчидир. Улар бордан йўқ бўлмайди, фақат бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтади. Масалан, одам ўлиши билан фақат ҳолати ўзгаради. У бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Борлиқ тушунчаси реаллик тушунчаси билан боғлиқ. Реал, яъни бор бўлган, нарсалардир. Тасаввуф таълимотида руҳий олам ва жисмоний олам реал бор деб қаралади.

Тасаввуф таълимотида борлиққа нисбатан яхлит, бир бутун, мавжуд ва ўзаро чамбарчас боғлиқ деб қараш билан бирга борлиқни қуйидаги кўринишлари, шакллари ҳақида фикр юритилади:

1. Руҳий борлиқ. Руҳларнинг асл ватани Лоҳут ва куч-қувват ва нур оламлари бўлган – Жабарут ва Малакут олами. Улар макон ва замонда чексиз.

2. Моддий борлиқ. Мулк олами, тўрт унсур, коинот, ўсимлик, ҳайвонот. Инсон яратган моддий олам макон ва замонда чегараланган.

3. Инсон борлиғи. Жисмоний ва руҳоний оламлар бирлигидан вужудга келган борлиқ. Унда макон ва замонда чекланганлик ва чекланмаганлик, чексизлик ва чеклилик уйғун ҳолда мавжуд. Шунинг учун инсонда ҳам фонийлик ва ҳам боқийлик уйғундир.

Борлиқни мукамал тадқиқ этиш учун тасаввуф таълимотига таяниб, инсонни ўрганиш лозим деган хулоса қилиш мумкин, чунки бу таълимот инсонга “жамъ этувчи борлиқ”, “улуғ олам” деб таъриф беради.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф ислом динининг ўзаги бўлиб, унинг моҳиятини ўзликни англаш орқали Ҳақни таниш, нафсни жиловлаш, Пайғамбар (с.а.в.) хулқи билан ахлоқланиши ва шу орқали Аллоҳ розилигига эришиш, лойиқ ва мақбул бўлишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. –Т: Ёзувчи, 1996.
2. Насафий, Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ – (Ҳақиқатлар қаймоғи). Н. Комилов тарж. –Т.: Камалак, 1996.